

# “ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Сурхондарё вилояти,  
Шеробод тумани, Мустақиллик  
кўчаси 1-уй

2022-йил 23-июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188 дона

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2022-йил 31-майдаги 01-12/043-сонли таклифи инobatга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2022-йил 02-июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ 2022-йил 23-июньда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2022-йил 17-июнь.

Ш. Курбанов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси Бош ҳисобчи - Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Қаюмов Махмуд Маннонович – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Турсунов Неъмат Нормейлиевич - жамият бош директори:

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2022-йил 17-июнь ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 889 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 004 996 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 7 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 81,37 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

М.Ирназаров – жамият тафтиш комиссияси аъзоси;

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2021 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш.
6. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
7. Жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
14. Жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.
16. Жамият томонидан “E-auksion” электрон савдо платформаларига савдога чиқарилган ва муддатида сотилмаган жамият активлари қийматини белгиланган тартибда босқичма-босқич тушириш масаласини кўриб чиқиш.
17. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.
18. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2022-йил 02-июньдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига Жамият бош директори - Турсунов Неъмат Нормейлиевич, Бош ҳисобчи – Бойназаров Ғулом Худойназарович, ва Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис –

Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) Турсунов Неъмат Нормейлиевич;
- 2) Бойназаров Ғулом Худойназарович;
- 3) Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич.

**2. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 18 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият ижроия органи раҳбари-бош директор Н.Турсунов сўзга чиқиб, 2021-йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1-илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2021-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор Н.Турсуновга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан бош директорнинг 2021-йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2021-йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Ғ.Бойназаровга берди. (Ҳисобот 2-илова қилинади)

Ғ.Бойназаров йиғилиш иштирокчиларини 2021-йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи билан таништирди.

Жамиятнинг 2021-йил якуни бўйича ҳисоботларининг ҳаққонийлигини “НИМОҲА FAIR” МЧЖ томонидан берилган хулоса билан ўз тасдиғини топди.

Жамиятнинг 2021-йил якуни бўйича 128 402,0 минг сўм соф фойдасини акциядорлар ихтиёрига хавола қилди.

Ш.Курбанов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ёқлаганлар -2 004 996 та овоз, Қаршилар-0 та овоз, Бетарафлар-0 та овоз Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2021-йил якуни бўйича баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоси М.Ирназаровга сўз берди.

М.Ирназаров жамиятнинг 2021-йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса 3-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2021-йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг

2021-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот 4-илова қилинади).

Ҳисоботга асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2021-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2021-йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** Ғ.Бойназаров сўзга чиқиб, “НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонижан жамиятнинг 2021-йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022-йил 30 майдаги аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. (хулоса 5-илова қилинади).

“НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг 2021-йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан 2021-йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022-йил 30-майдаги аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилинмади.

**1. “НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022-йил 30-майдаги (5-илова)га мувофиқ аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** йиғилиш раиси Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров жамиятнинг 2021-йил якуни бўйича 128 402,0 минг сўм соф фойда олганлигини ушбу соф фойдани қуйидагича тақсимлашни такиф қилди.

-соф фойданинг 5 фоизи – 6 420,1 минг сўмни захира фондида;

-соф фойданинг 95 фоизи - 121 981,9 минг сўмни жамиятнинг 2022-йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инobatга олиш таклиф қилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилади.

1. Жамиятнинг 2021-йил якуни бўйича олинган 128 402,0 минг сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 5 фоизи – 6 420,1 минг сўмни захира фондига;

-соф фойданинг 95 фоизи 121 981,9 минг сўмни жамиятнинг 2022-йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, жамиятнинг кузатув кенгашининг 2021-йил 30-декабрьдаги қарори билан юклатилган ижроия органи раҳбари Турсунов Неъмат Нормейлиевич билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш масаласи бўйича йиғилиш қатнашчиларига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради. (Меҳнат шартнома 6-илова қилинади)

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” –та овоз; “Бетарафлар” йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият бош директори Турсунов Неъмат Нормейлиевичнинг меҳнат шартномаси 1 йил муддатга узайтирилсин ва тасдиқлансин.

2. Бош директор Н.Турсунов билан меҳнат шартномасини имзолаш жамият кузатув кенгаши раисига юклатилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Ғ.Бойназаров сўзга чиқиб, жамиятда 2022-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди: (Тижорат таклифлар 7-илова қилинади)

| Т/р | Аудиторлик ташкилотининг номи | Мурожаат санаси ва рақами | Аудиторлик ташкилотига туланидиган ҳақ миқдори (минг сўм) |
|-----|-------------------------------|---------------------------|---|
| 1   | “FINANCE AUDIT” МЧЖ           | № 511<br>18.04.2022       | 15 000,0  |
| 2   | “Mustaqil – M” МЧЖ            | № 27<br>18.04.2022        | 14 375,0  |
| 3   | “FINANCE - AS” МЧЖ            | № 21<br>18.04.2022        | 13 800,0  |
| 4   | “HIMOYA FAIR” МЧЖ             | № 19<br>19.04.2022        | 11 500,0  |
| 5   | “GREAT FOURS” МЧЖ             | № 23<br>18.04.2022        | 8 000,0   |

Муҳокама давомида жамият акциядори Ш.Курбанов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларидан 2022-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“FINANCE AUDIT” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар”–йўқ “Қаршилар”–741 732 та овоз; “Бетарафлар”–йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“MUSTAQIL - M” аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар”–йўқ; “Қаршилар”–741 732 та овоз; “Бетарафлар”–йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“FINANCE - AS” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар”–йўқ; “Қаршилар”–741 732 та овоз; “Бетарафлар”–йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“HIMOYA FAIR” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар”–1 256 736 та овоз; “Қаршилар”–741 732 та овоз;  
“Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“GREAT FOURS” МСНЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар”–6 528 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2022-йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “HIMOYA FAIR” МСНЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори–11 500,0 минг сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори Ғ.Бойназаровга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа 8-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2022-йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2022-йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 256 736 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва жамиятнинг 51 864 дона акция эгаси Аннаев Ўктам томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Зойиров Садриддин Умарович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Бош мутахасис, Джумаев Хушнуд Атамурадович – “Ўзпахтасаноат” АЖ Бошқарма бошлиғи, Исломов Акмал Хакимович -“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, Тугатиш комиссияси раиси, Халбаев Тўрамурад Жайлович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Бош мутахасис, Халиков Сайдулло Мамаюсупович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Бошқарма бошлиғи, Гаппаров Зокир Бозорович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Бошқарма бошлиғи ўринбосари, Қаюмов Махмуд Маннонович- Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ, директор.

Аннаев Ўктам томонидан номзод сифатида кўрсатилган, Қаюмов Махмуд Маннонович- Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ, директор, Гулямов Нигматулло Кадилович-“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, Тугатиш комиссияси аъзоси, Қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи, Қодиров Ўткирбек Фозилович-“Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ Молиявий масалалар бўйича директор, Холиқов Сухроб Боборахматович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, Кадрлар бўлими бошлиғи номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

Зойиров Садриддин Умаровичга:

**“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Джумаев Хушнуд Атамурадовичга:

**“Ёқлаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**



Исломов Акмал Хакимовичга:

“Ёқлаганлар” – 1 771 648 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Халбаев Тўрамурад Жайловичга:

“Ёқлаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Халиков Сайдулло Мамаюсуповичга:

“Ёқлаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Ғаппаров Зокир Бозоровичга:

“Ёқлаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Аннаев Ўктам томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Қодиров Ўткир Фозиловичга:

“Ёқлаганлар” – 1 764 030 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Қаюмов Махмуд Манноновичга:

“Ёқлаганлар” – 1 765 542 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Гулямов Нигматулло Кадиловичга:

“Ёқлаганлар” – 1 696 030 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Холиқов Сухроб Боборахматовичга:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Джумаев Хушнуд Атамурадович – “Ўзпахтасаноат” АЖ, Бошқама бошлиғи.

2. Исломов Акмал Хакимович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, Тугатиш комиссияси раиси.

3. Халбаев Тўрамурад Жайлович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, Бош мутахасис.

4. Халиқов Сайдулло Мамаюсупович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, Бошқарма бошлиғи.

5. Ғаппаров Зокир Бозорович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, Бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Аннаев Ўктам томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Қодиров Ўткир Фозилович - “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ Молиявий масалалар бўйича директор.

2. Қаюмов Махмуд Маннонович –Депозитарий “Сурхондарё ВАҚТ” МЧЖ Директори.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан таништирди. (ташкилий тузилма 9-илова қилинади)

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 004 996 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг уставини янги тахрирда тасдиқлаш учун таклиф қилди. (Устав 10-илова қилинади)

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 263 264 та овоз; “Қаршилар” - 741 732 та овоз; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 60-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинмаганлиги сабабли жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинмади.**

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг айрим моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида” ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги Низомларни тасдиқлашни таклиф қилди (Низомлар 11-илова қилинади)

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 263 264 та овоз; “Қаршилар” – 741 732 та овоз; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида” ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги Низомлари тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамият томонидан “E-auction” электрон савдо платформаларига савдога чиқарилган ва муддатда сотилмаган жамият активлари қийматини белгиланган тартибда босқичма-босқич тушириш масаласини акциядорларга хавола қилди.

Ш.Курбанов ушбу масалага батафсил изох берар экан жамият балансида бўлган носоҳавий мулклар “Таллашқон” пахта қабул қилиш масканида жойлашган пиллаҳона биносини “E-auksion” электрон савдо платформаларида сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллашни таклиф қилди.

Кун тартибидаги ушбу масалага бюлетен орқали ўз муносабабтини билдиришни сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 263 264 та овоз; “Қаршилар” – 741 732 та овоз; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “E-auksion” электрон савдо платформаларида активларини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллаган ҳолда сотишни амалга ошириш ва бу қадам қўйидагилар бўйича ҳар 15 кунда дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизини ташкил қилади, хусусан, кўчмас мулк объектлари бўйича — дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, бироқ баланс қийматидан кам бўлмаган миқдоргача, улушлар бўйича — дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, бироқ номинал қийматидан кам бўлмаган миқдоргача нархларини босқичма-босқич тушириш тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамият директори Н.Турсуновга берди.

Н.Турсунов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини 12-иловага мувофиқ ҳавола этди.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 263 264 та овоз; “Қаршилар” – 741 732 та овоз; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик 9 723,0 минг сўмлик ва кредиторлик 45 366,0 минг сўмлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритишни таклиф қилди. (Дт ва Кт рўйхати 13-илова қилинади).


Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 1 263 264 та овоз; “Қаршилар” – 741 732 та овоз; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган 9 723,0 минг сўм дебиторлик ва 45 366,0 минг сўм кредиторлик қарздорликлари 13-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:  Ш. Курбанов

Йиғилиш котиби:  У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2022 йил 3 июль куни икки нусхада тузилди.